



Мансур Ҳаллож - тавҳид тимсоли(ми?)



Фаридиддин Аттор фикрни давом эттириб, шундай хулосага келади: инсон ҳам тавҳид катраси ва ҳам тавҳиднинг ўзи, яъни унда Ваҳдат хусусиятлари жамулжам. Хусайн Мансури Халлож ана шу ҳақиқатни англаб етди ва уни “аналҳак” деган ибора билан ошқоро этди, дейди Аттор. Лекин бунинг учун Мансурни гуноҳкор ҳисоблаб, қатл этдилар (922 йилда).

Аттор Мансур гояларини жўшкин бир эхтирос билан куйлаб, чукурлаштирган эди. Унинг учун Мансур Халлож бир идеал, балки чинакам комил инсон хам. Атторнинг кўп асарларида Мансур номи тилга олинади, “Жавхаруз зот” ва “Хайлож” дostonларида эса Мансур марказий кахрамон бўлиб кўзга ташланади. Каердаки тавхид хакида, Хак ва Хакикат тўгрисида гап бошланса, шоир албатга Мансурни мисолга келтириб ўтади, Мансурнинг фикрларини янги-янги далиллар билан баён этади. Мансур гох Шайх Шиблий, гох Боязид, гох Жунайд билан сухбатга киришади, тасаввуфнинг турли масалалари (жузъ ва кулл, акл ва ишк, жисм ва жон, хижоб ва васл, айнулякин исботи, “ман араф” — ўзликни таниш сири, кўнгил рози, тажаллий ва хоказо) устида фикр юритади. “Жавхаруз зот” дostonининг бир бобини Аттор махсус “Дар аёни Мансур гўяд” (Мансур сирининг аёнлашуви хакида сўз) деб номлаган. Хуллас, Мансур Халлож Аттор учун тавхиднинг тимсоли, инсоннинг камол топиб, хак ва хакикатга айланган реал образидир.

Вокеан, “Комил инсон — илохиёт сурати” (Сажжодий лугати, 251-бет), яъни илохнинг етук инсон кифоасида кўриниши. Камолот, комиллик хам тасаввуфда шундай маънога эга: “Инсони комил барча мавжудотнинг боши, худди бир раками барча ракамлар боши бўлганидай... Зоти ахадиятнинг Биринчи таайюноти (аёнлашуви) ва жомеъуллох исмининг мазхари” (168-6.). Сажжодий яна конкретлаштириб дейди: “Комил — ўзи ўзидан фоний ва Хак бокийлигида бокий” киши ёки: “Комил эр — пири муршид рахнамолигида тасвия (тозариш) ва тажлия (жилоланиш) ва шухуд (мушохада) мартабалар сари кўтарилиб, хис ва акл сархадларидан ошиб, асмо тажаллиётига восил бўлган ва Ягоналик нурининг шуъласи ичра йўқолиб, Ахадият бакосида абадийлик топган ва илохий сифатлар тахкикига ва бутун зухуррот мазхарига айланган... барча шууноб (шарафланиш) билан шарафланган, жaxonнинг хожасига айланганини била туриб, бандалик ибодатини канда килмаган комилдир (207-208). Аттор наздида Мансур ана шундай комил инсондир.

Мана Мансур “аналхаки” хакида шоир нима дейди:

“Аналхак ” он ки гуфтаст сар буридаст,
Кунун ин дoston гуфту шунид аст.
“Аналхак ” он ки гуфт, эй дўст хак шуд,
Ки кулли дарнамуду дўсти Хак буд.
“Аналхак ” гуфту бинмуд ошкоро,
Худаш худ кард инжо пора-пора.
“Аналхак ” гуфт дамро аз яки зад,
Хакикат хак буду хак бешаки зад.
“Аналхак ” гуфт бигзошт аз замона,
Бимондаш ном инжо жовидона.

(“Аналхак” — “мен хакман” деганни бошини кесдилар, энди бу дoston огизларда юрибди. Эй дўстим, “аналхак” деган одам хак бўлади, чунки куллиятни истаб, ягоналик кўрсатиб, хакдўсти бўлди. “Аналхак” деди ва буни ошкоро килди, натижада ўзини ўзи пора-пора килди. “Аналхак” деб бирлик — вахдатдан сўз очди, дархакикат у хак эди ва ҳеч шубхага бормай хак деди: “Аналхак” дея дунёдан ўтди, бунда унинг номи абадий колди). Ушбу сатрларда Атторнинг хакикат хакидаги, хак хакидаги назарий карашлари хам, хакикатга етиш укубати, инсонийликни англаш ва англатиш фожиаси хам акс этган.

Хакни англаган ва унга сингган, эриб кетиб, Ягона рух билан коришиб кетган инсон рухи ҳам хакикат-дир. Демак, хакикат — Мансурнинг ўзи. Бу гоёни Аттор “Жавхаруз зот” асарида батафсил талкин этади. Унинг талкинига кўра, Мансур хакикат тили эди, инсон суратидаги илох эди; чунончи, Мансур Боязид билан суҳбат-да дейди:

Манам ҳақ омада инжо, суҳангўй,
Аналҳақ мезанам дар хою дар хўй,
Манам ҳақ омада инжо, ба таҳқиқ,
Ки то зарроти кулл баҳшем тавфиқ,
Манам ҳақ омада инжо ниҳони,
Бадин қисват бар халқи жаҳоне.
Манам ҳақ то намоям роз инжо
Бигуям сирри худ (ро) боз инжо.

(Ман бу ерга келган гапирувчи ҳақдирман, шунинг учун ҳар сўзимда аналҳақ дейман. Хакикатда мен ҳақман бунда, қуллият зарраларига тавфиқ — мувофиқлик, таракки-ёт бағишлаш учун келдим. Бунда яширин равишда келган ҳақман, жаҳон халқлари олдида инсоний хилкат-суратда кўринмоқдаман. Мен сирни кўрсатишга келган ҳақман, шунинг учун ўз сиримни айтмоқчиман).

Мансур — Мутлақият асроридан хабар берувчи зот, Мутлақ руҳнинг ўзи, шунинг учун у гоҳ кўзга кўринади, гоҳ эса кўринмайди. Фаридиддин Атторнинг Мансурни улуглаши шу даражадаки, у Илох ҳақида гапириб, бирдан Мансурга ўтиб кетади, ёхуд аксинча. Мансур моҳияти, аналҳақ маъносини тушунтириб, илохий моҳиятни ҳам кўшиб тафсирайверади. Бошқача айтганда, Илох-Мансур-Хакикат тушунчалари Аттор учун тенг маъноли тушунчалар, уларни бири-биридан ажратиш мумкин эмас. Мансур Халлож Боязидга қараб дейди:

Манам Аллоҳу жони жумла ҳастам,
Яқин инжо ки ман нест ҳастам.
Манам ҳақ омада — Аллоҳи мутлақ,
Даруни жумлаям огоҳи мутлақ.
Нишони бенишони дар ҳама ман,
Даруни жумлаги ҳуршеди равшан.

(Жумла оламнинг жони Аллоҳ мандирман, ишонгин, бунда йўқман, аммо борман. Ҳақ мандирман — Мутлақ руҳ, барчанинг орасида мутлақоғохман. Ҳамманинг вужудида нишонасиз нишон — кўринмас вужуддирман, гўё олам ичида равшан қуёшман).
Бу сатрларда ифодааланган маънолар Илохнинг хусусиятлари, сифатларини англатади, аммо Аттор бу сўзларни Мансур тилидан келтираяпти, натижада илохий сифатлар Мансурга ҳам хос, улар бир-биридан ажралмас деган ҳулоса келиб чиқади. Мансур Боязидга уқтириб айтадики, шундай даражага кўтарилиш учун ишқ оловида ёнишинг, шамъга талпиниб, вужудини қуйдирган парвона мисол ўртанишинг даркор. Ёхуд тун қоронгилиги қуёшда ёниб йўқолгандай, вужудингни — пардани йўқотгин. Фано бўлсанг, хакикат сирини англайсан, менинг кўринишимни қасб этиб, “пайдоу пинхон” бўласан..

Нажмиддин Комиловнинг
"Тасаввуф" китобидан